

Da'vat

Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар тегаран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

Ibrat

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг немис филологияси факультети Австрия Таълим ва маданият вазирлиги билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган эди. Яқинда мазкур вазирлик ЎзДЖТУ немис филологияси факультетига мингдан зиёд китоблар, видео ва аудио кассетларни совға қилди.

1931 йилдан чиқа бошлаган

1999 йил 13 март, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 19-20 (7114)

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

БОШИМИЗ ХАМ БЎЛМАСИН

Давлатимиз раҳбарининг «Туркистон-пресс» ахборот-агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини ўқиб беихтиёр мамлакатимиз турмуш тарзидаги юксалишлар, шу билан бирга уни кўра олмаслик натижасидаги февраль воқеалари хаёлимдан ўтди.

Агар масаланинг моҳиятига чуқурроқ эътибор қилдиган бўлсак, бугун ҳар биримизнинг энг долзарб ва зифамиз тарбиялаш, таълим бериш, тушунириш. Бироқ таассуфки, баъзи ҳолларда ҳатто ота-оналар ўз фарзандларининг нима иш билан машғулликларини, қандай ўй-хаёлда эканликларини билишмайди. Боланинг дунёқарши ва ёки истеъдоди ёхуд қилмиши ҳақида албатта ўқитувчи ота-онага хабар бериши керак. Биз ўқитувчилар эса ҳаммавақт ҳам хабар бераями? Ахир нега бунчалар лоқайдлик? Биз ўз фарзандимизга шу қадар эътиборсиз бўлсак, ўртадагиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Истардимки, нафақат ёшлар, балки ота-оналар ҳам жамиятдаги, дунёдаги ўзгаришлардан, воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишга интилса, ўз фарзандининг аввало бугуни, қолаверса, келажакда тутадиган ўрни, мавқеи ҳақида жиддийроқ мулоҳаза юритса, юртимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўзининг бетакрор улушини қўшган бўларди. Шундагина ҳар бир муаллим ўз ўқувчиси, ҳар бир ота-она ўз фарзанди қилмиши учун бир умр бошини ҳам қилиб ўтмайди.

Лутфия ПИРНАФАСОВА
Навоий туманидаги Бобур номидаги мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

ФАРЗАНД УВОЛИ ТУТМАСМИ?!


16 февраль куни содир этилган муҳим воқеалар биз, болаларнинг юрағида қаттиқ оғриқ кўзгади. Мен ўша кун соат ўн бирлар атрофида дугонам Зарина билан мактабдан чиқиб, Махмуд Таробий кўчаси орқали онамнинг олдида - боғчага бораётган эдик. Шу пайт қайсидир ҳовлида қаттиқ портлаш содир бўлди, биноларнинг дераза ойнаси бирдан чил-чил синиб тушди. Биз онам ишлайдиган «Хумо» номли 155-болалар боғчасига кириб борганимизда, юрагимиз баттар ларзага келди. Менинг жажжи сингил ва укажонларим кўрқувга тушиб, йиғлашаётган экан. Биз онам билан бирга уларни тинчлантирдик, таскин бердик. Худога шукрки, биронта гўдакка зарар етмади. Аммо уларнинг қувноқ порлаб турган кўзларида дафъатан, мунг ва кўрқув чўкиб қолди... Мен шунда тинчлик ва осойишталикнинг қадр-қиммати жуда баланд - бебаҳо эканлигини чуқур англадим.

«Халқ сўзи» газетасининг 27 февраль сонидида чоп этилган «Феврал воқеалари» мақоласини оиламизда ўқиб, муҳокама қилгач, фикрларимиз ойдинлашди.

Қаранг, бундай қабих ишга ким қўл урган экан! Ахир, ўз қизидан тонган, унга оталик меҳрини беришга қодир бўлмаган бағритош кимса биз, ёшларга яхшилик соғинишига ким ишонади?! 16 февраль воқеаларида айнан фарзанд уволи тутган шундай нопок кимсанинг қўли бор. Чунки бундай худбин кимсани фақат ўзининг разил ниёти қизқитиради, у шу ниётига етиш учун ҳар қандай ёвузликка қўл уришдан таймайди. Аммо бегунох кишиларнинг тўқилган қони, етим қолган гўдақларнинг уволи, фарзанд доғида қуйган оналарнинг қарғиши ҳеч қачон беиз кетмайди. Аксинча...

Мен 14 февраль куни 9 ёшга тўлдим. Тўғриси, шу муҳим воқеа рўй берганда ёшим катта бўлмаганига қаттиқ афсусландим. Агар ёшим катта бўлганда, албатта, Президентимизнинг ҳаётига қасд қилган нопок кимсаларни тутишга ҳаракат қилардим. Ахир, Президентимиз ўша кун ҳаётлари хатарда қолган маҳалда ҳам: «Ўзбекистон болалари - менинг фарзандларим, уларни ҳеч қимга бериб қўймайман», дедилар. Биз шундай меҳрибон, оталарча ғамхўр Президентимиз борлигидан қувонамиз ва фахр билан «Менинг Президентим», деймиз.

Наргиза ТОШХҲАЕВА,
Тошкент шаҳри, Юнусов туманидаги 319-мактабнинг 3-«Г» синф ўқувчиси



XXI АСР КОЛЛЕЖЛАРИ

Jarayon

Ёшларимизни қомил инсонлар, етук мутахассислар қилиб вояга етказиш мақсадини амалга оширувчи академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг курилишлари жадал бошлаб юборилди. Жумладан, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ қишлоқ ҳужалик соҳаси бўйича жойларда очилаётган касб-хунар коллежлари турларига биноан, мутахассисликлар йўналиши, кабинет ва лабораторияларнинг жиҳозланиши ва мазкур коллежлар қошида ташкил эти-

лаётган ўқув-тажриба ҳужаликларининг моддий техника базаларини аниқлаш, ва шу асосда уларнинг лойиҳаларини такомиллашган тарзда яратиш вазифаларини ўртага қўйилган эди. Мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси етарли эмаслиги, уларни малакасини ошириш борасида ташкил қилинган ўқув жараёнларининг самарадорлиги талабга жавоб бермаслигини алоҳида таъкидлаш вақти келди.

(Давоми 5-бетда)

JUMLADA
JAHON

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг амалдаги йил 8 - 9 март кунлари мамлакатимизга қилган амалий ташрифи давомида Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги савдо иқтисодий, транспорт коммуникацияси, тадбиркорлар алоқаси борасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг тақлифига биноан Туркия Республикаси Президентини Сулаймон Демирел шу йилнинг 15-16 март кунлари мамлакатимизга расмий ташриф буюради.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номи билан ўзбек ва араб тилларида нашрдан чиқарди.

Югославия Президенти Слободан Милошевич НАТО ҳарбий кучларининг Косовага киритилиши ҳақидаги ҳужжатларга кескин қаршиликни билдириб, мавжуд можарони тинч йўл билан ҳал этиш лозимлигини уқтирмоқда.

НАТОнинг 50 йиллиги олдида Белградда бўлиб ўтган ушбу блок ҳарбий қўмитаси штаб бошлиқлари даражасидаги сессияда НАТОнинг Шарққа кенгайиш, ташкилотнинг дунёда тинчлик ва барқарорликнинг қарор топтиришидаги ўрни ва аҳамияти муҳокамага тортилди.

Журналист бўлаётган воқеа ҳодисаларни биринчи бўлиб илғайдиган, уни ўз ҳолича халққа етказиб, фикр берадиган, жамиятдаги юксалиш билан бирга иллатларни очиб берадиган, қисқаси тараққиётга хизмат қиладиган юрт фуқароси ҳисобланади. Бўлаётган ҳодисаларга тезкор муносабат билдиришга эса кўп ўқиб, ўрганиб, кенг дунёқарашга эга бўлган, шу билан бирга иxtисослашган журналистнинггина қурби етади.

Бундай журналистларни тайёрлаш эса яқинда эълон қилинган «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижроси билан амалга оширилади деган фикрдаман. Негаки, қарорда журнал-

ист кадрларни тайёрлаш учун зарур бўладиган барча жиҳатлар эътиборга олинган. Матбуотда бу борада қартор чиқишлар ҳам бўлди.

Камина ҳам ушбу факультетнинг собиқ толиби ва айни кунда оддий журналист сифатида масала-

ТАЖРИБА ОРТТИРИШ ТАЛАБАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

нинг бир жиҳатига — газета чиқариш жараёни ва унинг факультетдаги кичик кўринишига эътиборингизни қаратмоқчи эдим.

Одатда биринчи курс талабалари тахририятга экскурсиялар уюштириб, журналистларнинг иш фаолият-

лари билан танишадилар. Лекин улар журналистнинг қайноқ ҳаётини бемалол кузатиб, ўрганолмайдилар. Чунки бу вазифа бир-икки экскурсия натижасидан ўқиб фақат назарий билим олиш билан эмас, балки талабанинг жараёнга бевосита тийишимсиз иштироки натижа-

сида амалга ошади. Бунинг учун эса талаба журналистга ижодий муҳит яратиш берилмоғи лозим бўлади.

Дейлик, қарорда таъкидланганидек талаба ижодий имтиҳон орқали (яъни ёзиш кўникмасига эга ҳолда) ўқишга қабул қилин-

ди. Бундан кейин у ўз билими, дунёқарашини кенгайтириш билан бирга ёзиш маҳоратини ҳам ошира боради. Унинг ёзганлари эса доимий равишда эътиборда бўлиши, таҳлилга тортилиши талаба-журналистнинг ўзига бўлган ишончини кучайтиради, изланади, кам-

чиликларини тузатишга ҳаракат қилади. Ҳўш, у ўзининг илк ёзишма — машқларини қаерда эълон қилади, қандай қилиб баҳо олади? Албатта, бунинг учун ҳар бир курснинг ўз деворий газетаси бўлиши мумкин. Унинг таъсири бўлса-да,

чиликларини тузатишга ҳаракат қилади. Ҳўш, у ўзининг илк ёзишма — машқларини қаерда эълон қилади, қандай қилиб баҳо олади? Албатта, бунинг учун ҳар бир курснинг ўз деворий газетаси бўлиши мумкин. Унинг таъсири бўлса-да,

Munosabat

лекин у эскича ва анча самарасиз усул. Тақлифим шундан иборатки, ҳар бир журналистика факультетида камидан иккитадан Япония ёки Германияда ишлаб чиқарилаётган минитипография олинса, айни муддао бўларди. (Унчалик қиммат ҳам эмас). Қарорда кўрсатилган компьютер ва бошқа техникалар олинди, дейлик. Талаба хабар ёки мақола ёзди, уни компьютерда терди, тахрир қилди, ўз дискетасига кўчириб олди ёки уни махсус тизим орқали саҳифаловчи бош компьютерга узатди, барча материаллар кўйилиб, А-3 форматда газета тайёрланди ва минитипографияга узатилди ва тезликда газета босилиб чиқди. (Давоми 2-бетда)



АМЕРИКАДА ЎЗБЕК ТАОМЛАРИ

Нью-Йоркнинг «Нипроссене Books» нашриёти Линн Виссоннинг мамлакатимиз бўйлаб қилган саёҳати натижасида ёзган «Ўзбек таомлари санъати» китобини нашр этди. Мазкур китобда 175 та ўзбек таомларини тайёрлаш усуллари хусусида маълумотлар берилган. Шунингдек, муаллиф ўз китобда ўқувчиларни ажойиб мамлакатимиз тарихи, маданияти, меъморчилик айналарини билан ҳам таништириб ўтади.

ХОНАНИ ШАМОЛЛАТИБ ТУРИНГ

Даниялик мутахассисларнинг таъкидлашича, нусха кўчирувчи ва кўп нусхада босувчи курилмалар бир йил ишлагандан сўнг ўзидан озон гази ажратиб чиқара бошлайди. Бу эса, албатта бундай машиналар билан доимий ишловчи кишиларга салбий таъсир кўрсатади. Шифокорлар мазкур курилмаларни йўлакларга ва кенг хоналарга ўрнатишни ва хонани тез-тез шамоллатиб туришни тавсия этмоқдалар.

ТУН-ЎСИШ ПАЛЛАСИ

Олимлар иссиқхонага экилган бодиринлар фақат тунда ўсишини аниқладилар. Улар тонг отиши билан ҳаракатдан тўхтади ва кундузи ҳарорат қизиб кетса қийналади. Қизиғи, иссиқхонадаги бу ўсимликлар томчилатиб сугорилганига ўз одатларини ўзгартириб, семиришда давом этади.

ЭЪЗОЗДАГИ ДАРАҲТЛАР

1-июни биз болалар куни сифатида нишонлаймиз. Африкадаги Бенин республикасида эса, бу кун расман «Дарахтлар куни» дир. Маҳаллий аҳоли шу қуни дарахтларни ялпи парварилаш ва янги қўчатлар экиш билан шуғулланишади. Мудом жазирани об-ҳавода яшайдиганларнинг дарахтларга бўлган бу ҳурмати, албатта, ю ажабланили эмас.

УМИД ЁШЛАРДАН

Бугунги ёшлар қандай бўлиши керак?

Уларнинг тарбиясига қай жиҳатдан ёндашган маъқул?

16 февралда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари ушбу масалаларга чуқурроқ назар ташлаш учун ҳаммамизни оғоҳ қилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ректорлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор муовинлари Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари ҳамда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Феврал воқеалари» мақоласи муҳокамасига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов, Фарғона Давлат университети ректори Э. Абдуллаев, Тошкент Давлат университети ректори Т. Долимов, Андижон Давлат университет ректори С. Зайнобиддинов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори Ж. Бўроновлар шуни қайта-қайта таъкидлашдики, бугунги ёшлар тафаккурида «бўшлик» пайдо бўлишига йўл қўймайлик зарур. Токи, уни манфур, экстремистик гоялар эгаллаб олмасин.

— Бунинг учун ўсиб келаётган авлоднинг онгини иймон, диёнат, Ватан туйғуси билан бойитиш лозим. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари айниқса, бу вазифада фаоллик кўрсатиши лозим, — деди сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Фуломов.

Жамиятнинг энг фаол аъзолари — профессор-ўқитувчилар олдидаги масъулиятли вазибалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчилари А. Мансуров, Т. Рискиевлар ҳам сўзга чиқишди.

Seminar tahlili
КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ

Бу жараёнда Ташхис марказларининг иштироки қандай бўлмоқда?

Болаларни илк ёшидан оғириш парварилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофиза қилиш, уларга сифатли замонавий таълим бериш, лаёқат, қобилият ва истеъдодларини барвақт аниқлаб, маълум касбга йўналтириш учун ҳам таълим-тарбия иши давлатнинг устувор сиемати даражасига кўтарилди. Наманган вилоятида ўтказилган ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари фаолиятини такомиллаштириш мавзусидаги Республика амалий семинаридаги Республика амалий семинаридаги фаолиятнинг раҳбарлари, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят бошқармаларидан келган вакиллар, шу соҳага алоқадор мутахассислар катнашди.

Мехмонлар дастлаб вилоятнинг бир қатор туманларидаги ўрта мактаблар, болалар боғчалари, мактабдан бошқа муассасаларда бўлиб, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар, психологик-педагогик ташхис марказлари иш услуби, фаолияти билан атрофлича танишдилар.

Туманда жами 42 та умумтаълим мактаби бор. Ҳозирча шундан 23 тасида алоҳида психологик-педагогик ташхис хоналари очилган. Уларда фаолият олиб бораётган мутахассислар болаларнинг саломатлиги, касбга йўналтиришга оид маълумотларни марказга мунтазам етказиб турадилар. Ўқув даргоҳларининг асариятида шифокорлик пунктлари иш олиб борапти. Бундаги педиатр врач, стоматолог ва ҳамширалар поликлиникаларда кишилоқ врачлик бўлимларида штатда туришади. Тумандаги 37 ўрта мактабни болаларнинг сифатли таълим олишлари учун яратилган шароитлар, моддий асоснинг бақувватлиги жиҳатидан республика миқёсида ҳам энг ибратли ўқув даргоҳлари сирасига киритиш мумкин. Ўқувчиларга бу ерда фанлар синфларга бўлиниб, алоҳида чуқурлаштириб ўқитилади. Шунингдек, улар тивувчилик, тўқувчилик, чилангарлик, зардўзлик, дурдгорлик каби 10 та йўналиш бўйича касб-хунарни ўрганадилар. Ваҳоланки, туманда мана шу каби касб-хунарларга эҳтиёж юқори сезилади. Тиббиёт синфида тахсил олган ўғил-қизларга кичик тиббиёт ходими гувоҳномаси ҳам берилади. Чунки уларни шу мутахассислик бўйича тиббиёт билим юрти муаллимлари, амалиётчи шифокорлар ўқитишади. Демак, 9 - синфга қадар болаларнинг касб йўналиши аниқланади ҳамда уларга шу йўналиш бўйича маълум даражада тушуна берилади ва билимлари бойитилади. Шу залда ўқувчининг академик-лицейга ёки касб-хунар коллежига бориши аниқланади. Ҳозирча туманда биттадан академик лицей ва касб-хунар коллежи очилган.

(Давоми 2-бетда)

XABARLARI

MAQSADLI «SEMINAR» Shayxontohur tumanidagi 1 - sonli iqtisodga yo'naltirilgan maktab-internatida «Boshlang'ich sinflarda iqtisodiy savodxonlikni oshirish metodikasi» mavzuida seminar bo'lib o'tdi.

NAZOKAT KO'RIGI

Buxoro viloyati Olot tumani madaniyat uyida 4 - hunarlitsey o'quvchilari ishtirokida ayollar yiliga bag'ishlab «Sanamlar sarvari» ko'rik-tanlovi o'tkazildi. Unda litseyning besh nafar qizlari ishtirok etib, bugungi kun yosh qizlarining, odob-ahloqi, bilimdonligi borasida kuch sinashdilar.

DIREKTORLAR BELLASHDI

Har xil ko'rik tanlovlar ishtirokchilarining ish faoliyatlarini yanada samaraliroq bo'lishiga ko'maklashadi, tajriba oshadi. Xo'jayli tumanida o'tkazilgan maktab direktorlari ko'rik tanloviga Qoraqalpog'iston Respublikasining barcha shahar va tumanlari XTB mudirlari taklif etildi.

MULLIY DASTUR VA FAN MUDROKLIKNI

CHEKINIYISH

Президентимизнинг «онгли мутахассис кадрлар тайёрлашни жамиятимиз муаммоси sifatida ertaga tashlaganlari bejiz emas. Utgan 1,5 йил davomida Toshkent viloyati Davlat pedagogika instituti (TVDPI)da kilingan ishlar haqida xitoy qilmokchiman.

ТАЖРИБА ОРТТИРИШ ТАЛАБАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

(Боши 1-бетда) Бунда талаба аввало катта тахририятдаги мақола ёзишдан то уни тайёрлашгача бўлган жараёни ўз кўзи билан кузатади, ўрганади. Бунда у ёзишни, компьютерда ишлашни ўрганапти. Қолаверса газета чиққач, у бутун факультет ўқитувчи ва талабаларининг муҳокамасига ташланди.

бошқичлари юзасидан амалий машғулотларни аввало факультет газетасида ўтамоғи керак эмасми? Биз тақриф этаётган микротираграфия аввало кичик хонагача сиради, қолаверса 4 хил рангда чиқиб, бир босиш доираси (барабан) 20000 нуска газета чиқаришга етади. Демак, хар бир ўқув газетаси 200 нусхадан чиқарилса, уни ҳафтада тўрт марта нашр этиш мумкин.

СОЛИҚДАН САБОҚЛАР

Қуни кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти иштирокида оммавий ахборот воситалари ва журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Анжумани Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси А. Мелибоев бошқарди.

(Боши 1-бетда) Тумандаги 8 - ўрта мактабда ҳам шундай ибратли манзарани кўриш мумкин. Бунда ўқувчилар касб-хунар сирларини ўрганиш жараёнида махсус ўқувчиларнинг ўзлари билан табиқий равишда оқилган ҳисоб рақамидан анчагина пул жамғарилибди. Ҳуқуқ даргоҳидаги фотоборда турли гўёлардан шифобахш ичимликлар тайёрланади.

МАЪНАВИЙ ҲУҚУҚЛИК

— ОЛИЙ БАХТ

Қуни-кеча А.Авлоний номидаги ҳалқ таълими хотинлари маънасини ошириш Марказий институтиде «Баркамол авлод орузи» номидаги иккинчи таълим йилининг бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда институтнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ

Бу жараёнда Ташхис марказларининг иштироки қандай бормоқда?

асосий бўғини амалга оширилади. Уларни касб-хунарга тулиқ йўналтириб бўлиш лозим. Мана шу юмушларнинг бари учун жойлардаги ташхис марказларининг йиғилишида алоҳида эътироф этилишидек, ташхис марказларининг фаолияти оид ҳужжатлар, методик тавсияномалар Республика «Истеъдод» маркази томонидан тугилиши лозим эди.

КЎРГУЛИКНИ КЎРГАН БИЛАДИ

Тинчлик — улук нёмат. Унинг бутун буй-бастини жангу жадални бошидан кечирган, урушнинг захматини чеккан кишилар тўлароқ кўришади. Яқинда Қибрай туманидаги 25-лицей-мактабда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари Манзура ая Норинбоева ҳамда Туроб ота Ирисолиевлар билан ўқувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР ҲАМДА

ЙЎНАЛТИРИШ

Бугунги кунда таълимга қўйлаётган талабалар ва қўйлаётган натижаларини, таъбир жоиз бўлса, баркамол авлод орузида қўйлаётган сазй-ҳаракатлар дейиш мумкин. Болалик, ўсмирлик ва ёшлик лаҳзаларини банд этувчи мактаб партаси бугун қай ҳаётга билан ўзини оқлайди?

ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР ҲАМДА


ЙЎНАЛТИРИШ

Бу жараёнда таълимга қўйлаётган талабалар ва қўйлаётган натижаларини, таъбир жоиз бўлса, баркамол авлод орузида қўйлаётган сазй-ҳаракатлар дейиш мумкин. Болалик, ўсмирлик ва ёшлик лаҳзаларини банд этувчи мактаб партаси бугун қай ҳаётга билан ўзини оқлайди?

Муллий дастур ва фан

Мудрокликнинг чекинйиши

Президентимизнинг «онгли мутахассис кадрлар тайёрлашни жамиятимиз муаммоси sifatida ertaga tashlaganlari bejiz emas. Utgan 1,5 йил davomida Toshkent viloyati Davlat pedagogika instituti (TVDPI)da kilingan ishlar haqida xitoy qilmokchiman.



Суратларда: 326-мактаб-мажмуа ҳаётидан лавҳалар акс этган. Даврон АХМАД олган суратлар.

ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР ҲАМДА

ЙЎНАЛТИРИШ

Бугунги кунда таълимга қўйлаётган талабалар ва қўйлаётган натижаларини, таъбир жоиз бўлса, баркамол авлод орузида қўйлаётган сазй-ҳаракатлар дейиш мумкин. Болалик, ўсмирлик ва ёшлик лаҳзаларини банд этувчи мактаб партаси бугун қай ҳаётга билан ўзини оқлайди?

Фахриддин КАРИМОВ



ҚЎЛ ГИЛАМИ ТЎҚУВЧИЛАРИ

Қўл гилами тўқишда тажрибага эга бўлган, қўл гилами тўқиш бўйича билим бериш қобилиятига эга

■ УСТОЗ ТЎҚУВЧИЛАР

қўл гилами тўқишда юқори малакага эга бўлган мутахассис

■ УСТАЛАР

тугун отиш малакасига эришган ва ўз маҳоратини муттасил ошириб бориш қобилиятига эга бўлган

■ ТЎҚУВЧИЛАР

ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

- ✓ СОҲАГА ОИД БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИ МУТТАСИЛ ОРТТИРИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИ
 - ✓ РИВОЖЛАНГАН ДУНЁ СТАНДАРТЛАРИДА ИШЛАШ ШАРОИТИ
 - ✓ ЮҚОРИ МАОШЛАР ВА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР
- Тошкент шаҳрида ва пойтахтга яқин иш ерларида ишлашлари кўзда тутилган бу кишиларнинг қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади:

Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26-уй. "Демир" шўъба ширкати Бош Офиси.

Тел.: 371-1330600, 1338148, 1321307, 1321308.

Факс: 3712-406537



(ИЗОХ: ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАН УСТА ТЎҚУВЧИЛАРГА ЯШАШ УЧУН ЖОЙ БЕРИЛАДИ).

Xullas...

МАҲБУСЛАР МУСИҚА ТИНГЛАШАДИ

Қамоқхонага яқинлашган кишининг юраги орқасига тортиши табиий.

Қотилу ўғрилар,туҳматчию товламачилар... Яхшиси,уларга рўбарў келманг!

Манильск қамоқхонаси маҳбуслари «Кесон-сити» деб номланган рок-группа ташкил қилишди. Беш маҳбусдан иборат рок-группа эски ва янги қўшиқ намуналаридан ташқари ўз бистроларидати тароваларни ҳам қўйлашяпти.

«Ташқарида» юрган кишилар ҳам бундан хабардор бўлишди. Финляндиядаги овоз эзиб олиш студияси («Альфе рекордс») бу ҳаваскорлик гуруҳининг альбомини яратди. «Уттан ишга саволат,бизга ҳақиқий истеъодлар керак. Биз улар билан кенг миқёсда ҳамкорлик қилоқчимиз»-дейди компания раҳбарларидан бири.

Маҳбусларнинг қанча «ўтириши»нинг аҳамияти йўқ. Турмада эса уларнинг қўшиқлари жаранглаб тургани маъқул...

ЧЕКИШ «ИМТИХОН» ҚИЛАДИ

Ҳожатхонада яширинча сигарета чекувчи британиялик мактаб ўқувчилари бу зарарли одатни ташлашга қарор қилдилар.Заҳарли никотиннинг кимга ҳам кераги бор? Ахир бир марта «табиб» кўрган кишини никотин ўз гирдобига тортаверадилар...

Ҳозирги вақтда 15 ёшдаги 25 фоиз британиялик усмирлар бу ҳалокатли одатдан қутулмашга ҳаракат қилишга қарор қилишди. Биринчи раундда директори Ред Доули «Ҳаваскорлар» вақти келиб англайдиларки, ўпка рақидан қутулиш учун албатта чекишни ташлаш керак. Аммо ўша пайтдаги афсус билан соғлиқни тиклаб бўлармикан? Чекиш ҳар бир инсонни «имтиҳон» қилади. Соғлиқ эса «имтиҳон» қилинмайди...

БОЛАЛАРГА ТАБАССУМ КЕРАК

Юзда табассуми йўқ болалар ҳам кулиб юришлари керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида «Бутунжаҳон умидларига савҳат» шиори остида қақирланган анжуман иштирокчилари — минглаб жароҳдор, анестезиолог, педиатр, табобат ҳамширалари шундай тўхтама қелишди. Йигин «Табассум операциyasi» деб номланган Америкадаги ташкилот қўшма ширкатида уюштирилди. 1982 йилда ташкил этилган бу ядвора 13 та давлатдаги 15 минг нафар боланингдан ногирон ёки бахтсиз ҳолисалар тўғрисида нуқсонли бўлиб қолган ўғил-қизларга текиндан-текин ёрдам кўриниш чўзи.

Эндиликда бундай болаларни қўлаб-қувватловчи «Бутунжаҳон умидларига савҳат» анжуманида 18 та мамлакат иштирок этади. Рўйхатда Россия ҳам бор. Операциядан муваффақиятли чиққан 1000 га яқин кўнгли ўқсикалар ўзларини яқин хис қилишмоқда. Юздаги табассуми йўқ боланинг ёрдамида тўғридан-тўғри шубҳасиз,улар табассум билан ҳамроҳ бўлишади...

ana shunaqa gaplar...

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат педагогика институты томонидан 1996 йилда Убайдуллаев Асрор Ахрорович номига берилган № 032590 рақамли олий маълумот турғисидagi илмий йўқолганлиги сабабидан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН

Урта Чирчик туманидаги 34-ўрта мактаб томонидан 1986 йилда Аутфулло Икромов номига берилган № 950747 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабидан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

QUTLOV



Хурматли домла Эркин ЮСУПОВИЧ!

Табарруқ 70 йилингиз муборак бўлсин.

Сиз 50 йилдан зиёд вақтдан бери ёш авлодга тарбия беришдек эзгу ишга камарбастасиз. Қўлаб шоғирларингиз бу кунда эл хизматида. Сизга узқумр, сизхат-саломатлик, ишларингизга зафарлар тилаб,

ТошДУ жамоаси.



Устозийиз Мамасоли Мадириемов!

Сизни таваблуд кунингиз ҳамда Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этамиз. Бизга бераётган тавабим-тарбиянгиздан бир умрга миннатдорамиз.

Низомий номидаги педагогика университети физика-математика факультети жамоаси

Тун. Сукунат. Фақат девор соатининг бир маромда чиқиллаши қулоққа чалинар,алламаҳал бўлгани учун кўчада машиналар ҳаракати ҳам деярли тинган эди.

Нима қилмоқ керак? Ётиб ухлашми?

Аммо уйку деган арзада кўзларига инсанчи?! Ёзув-чизувми?!?

Бари жонга тегди ва қандайдир зерикарди.

Жавонда тахланиб турган китоблар кўзига балодек кўринди. Гўёки улар бахтига тўғанок бўлгандек эди. Гарчанд китоблар унинг муваффақиятлари учун пайдевор вазифини ўтасада, ёши бир жойга етганда, ёлғизлик қисматига айланганидан уларга гурт қақиб юборгиси келди.

Номзодлик, докторлик даражалари... Оқшиш ва ҳамда санолар...

У ҳар дам бу чўққиларга интиларди, тиришиб-тирмашарди. Назарида, бу чўққилар унга туганмас бахт ато этадигандек эди.

Кичик чўққи — фан номзодлигини ёқлаганидан қиз масрур эди. Ишланмаларига нисбатан бидирилган мақтовлар қизни тобора гурурланттирар, гўёки ҳамманинг диққат-эътибори ўзига қаратилгану фан оламида ёрқин юдуз бўлиб қоладигандек эди.

Кунлар ойлارга, ойлар йилларга уланар,

вақт деб атаминиш тизгинсиз ва туганмас хазина қизнинг вужудини қарахт қилиб ташлаган, шон-шухрат кетида ўз тақдирини чигаллаштириб ташловчи сўқмоқлар ястаниб ётганини ҳалибери эътироф этгиси келмасди.

Йигинлар, олимлар давраси, турли хил тадбирлару зиёфатлар, чиройли либослар кийиш... Ҳаёт унга ўзининг ана шу қирралари билан гўзал ва завқли эди.

Қизнинг хусни у даражада мафтункор эмас, аммо юз-кўзидаги шижоат, хатти-ҳаракатларидаги сиполик кўпчиликда ижобий таассурот қолдирарди.

Феъл-атворида гоҳо қайсарлик яққол кўзга ташланувчи бу қиз гурур тушунчасини туйғулур ичра энг азиз деб билар, буни ардоқлаб яшаш турмуш тарзига вобаста бўлиб кетган эди. Шу боис қимгадир, айниқса, эркак кишига эгилиб яшаш, фарзанд туғиш, қозон-товоқ ва ҳоказо манзаралар қизнинг кўнгил ойнасидан лип-лип ўтса-да, оила кудан дугоналарининг елиб-югуртишларидан бир маъни топмасди.

«Умринг беҳуда ўтиб кетяпти. «Наука» билан оилавий ҳаётин бирга олиб бориш керак, ўртоқ! Эртага қарингингда, докторлик дипломинг сенга фарзандлик қиладими? Умуман, номзодлик билан кифоялансанг ҳам бўларди!»

Нега шу гапларни қулоғига олмади? Дўст

ачитиб гапирар экан...

Қиз ўзига бот-бот насихат қилган дутонасини тинглагиси ҳам келмас, номзодлик ҳимоясидан сўнг олдида кўндаланг турган докторлик ишини тезроқ ёқлаш ниятида ўзини ўтта ҳам, чўққа ҳам урарди.

«Намулча эркак зотига сиғинмасанг! Уларнинг сасиқ пайпоғини ювишдан ҳазар қиламан! Бировга муте бўлиб яшашдан Худонинг ўзи асрасин! Ўзинг хон, кўланган майдон бўлиб юрганга нима етсин! Одам ҳаётга бир маротаба келадил!»

Қиз тушунча ва ўлчовларини замонавийлаштиришга уринар, аммо ҳар қадамда, ҳар лаҳзада бунга қар-

ди. Юриш-туришини боши берк кўча дейиши керакми? Бундан қутулишнинг имконлари борми? Бироқ вақт ўз вазифини бажарганини кимгадир керакми? Ахир унинг тадқиқотисиз ҳам ўсимликлар ривожланаверарди-ку!?

Нихоёси борми саволларнинг бу изтиробларнинг?

Уттан умр ортда қолди...

Оила салтанатини қуришдан умиди узалиб-узалимаётган қиз тадқиқотларини ҳам истар-истамас давом эттирар, докторлик ҳимояси яқинлашиб қолганда. Кўп марталик хизмат сафарлари, лаборатория кузатувлари эвазига йиғилган материалларнинг самараси ўларок, у орзикиб кутган ўша ку келди. Елкасидаги баҳайбат тоғ агариди. Зиёфатда унинг шатинга бидирилган илқ сўзларнинг, тилақларнинг кети узилмасди. Нуфузли идорадан таширф буюрган лавозимдор шахслардан бири билиб-билимай шундай деб юборди: «Опамизга фарзандлари камолини кўриш насиб эттишини тилайман! Чунки аёл киши учун оила бахтидан улуғроқ тушунича йўқ! Лекин уларнинг фан докторлиги даражасига эришини ҳам ҳазилакам гап эмас!»

Олиманинг бўғизга ни-мадир тикилиб, кўзлари филт-филт ёшга тўлди. Пешонасига чиққ сингари тортилган ва кўз-қошлари атрофидаги ажинлар бат-

рибди? Бировга кераги борми? Умуман, у яратган кашфиёт — ўсимликларнинг қуёш нури, ҳаво, туپроқ, сув таъсирида ривожланиши кимгадир керакми? Ахир унинг тадқиқотисиз ҳам ўсимликлар ривожланаверарди-ку!?

Нихоёси борми саволларнинг бу изтиробларнинг?

Уттан умр ортда қолди...

Оила салтанатини қуришдан умиди узалиб-узалимаётган қиз тадқиқотларини ҳам истар-истамас давом эттирар, докторлик ҳимояси яқинлашиб қолганда. Кўп марталик хизмат сафарлари, лаборатория кузатувлари эвазига йиғилган материалларнинг самараси ўларок, у орзикиб кутган ўша ку келди. Елкасидаги баҳайбат тоғ агариди. Зиёфатда унинг шатинга бидирилган илқ сўзларнинг, тилақларнинг кети узилмасди. Нуфузли идорадан таширф буюрган лавозимдор шахслардан бири билиб-билимай шундай деб юборди: «Опамизга фарзандлари камолини кўриш насиб эттишини тилайман! Чунки аёл киши учун оила бахтидан улуғроқ тушунича йўқ! Лекин уларнинг фан докторлиги даражасига эришини ҳам ҳазилакам гап эмас!»

Олиманинг бўғизга ни-мадир тикилиб, кўзлари филт-филт ёшга тўлди. Пешонасига чиққ сингари тортилган ва кўз-қошлари атрофидаги ажинлар бат-

тар тиришиб кетгандек туюлди. Нима бу? Шон-шухратдан энтиқилми? Оила бахтидан бенасибликнинг пушаймоними? Билмади, билмади...

Бу — ўн йил аввалги маъзара. Қандоқ ўтиб кетди бу давр? Наҳотки йиллар унга ўз ҳукми ва таъсирини сездирмади? Ахир мулоҳаза қилиб кўрса, ҳар бир йилда ўн икки ой, ўн икки ойда неча дафтоқ қатор-қатор кунлар бор-ку! У вақтинг одамзотга буйсунмаслигини, аксинча инсон умри унинг ичига фарқ бўлиб кетишини, ёши улғайган сари қуқувват сусайиб боришини англаб экан, юрагини сўнгсиз бир армон гижимлади...

Умрини фанга бахшида этиб, нима топди? Докторлик поғонасиними? Унда нега давраларда «Докторликни ёқлаганми?» деб сўрашмайди, аксинча, «Нечта фарзандингиз бор? Турмуш урғинингизнинг касби-кори нима?» дея тақорор-тақорор савол беришади. Демак...

У кўксини тўлдириб, чуқур нафас олди. Хўрсиниққа жамланган чексиз дард эди бу. Даволаб бўладими уни? «Ёлғизликнинг азоби курсин!» кўнгдадан ўтказди у.

Аммо начора, азият чекиб бўлса-да, яшамоқ керак...

Хулқар ТҲИМАНОВА

Ё Л Ф И З А Й К

(Бадиа)

ши зарбаларга йўлиқар эди. Наздида, ҳамма бир ёқ ўзи бир ёқ эди. Гоҳо унинг қулоғига ёқиб тушадиган бир сас эшитиларди: «Сиздек фидойи, изланувчан қизлар Ўзбекистон фанига қатта кашфиётлар олиб киради!»

Қиз бундан чексиз илҳом олар, оила қуришга ундовчи мулоҳазалари бундай кезда пуч, аҳамиятсиз нарсага айланар, умрининг қирқинчи довоғига атиги икки йил қолганига ишонгиси, иқроор бўлгиси келмас-

экан, унга ёзилганини кўрялман! Хур бўлиб туғилдим, хурлигимча Оллоҳнинг хузурига бораман. Менга энди шуниси маъқул».

Ана шу фикр кейинги йилларда негадир қизга далда берар, онасининг «Ҳали ҳам кеч эмас, аққ билан иш тут, жон қизим! Бирортаси чиқса, рад этма!» дейишлари эриш туяларди. Бу айтишгагина осон...

Кимга осилади сенга турмушга чиқман деб? Унга қайси эркак зор қолиб ўти-

Ma'rifa

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчехра ПАРШИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳатир ҚОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58.

Газетани ИВМ компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Хулқар ТҲИМАНОВА, Нораали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтин тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150, Г-0193. Тиражи 57.532. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй. Босишга тошмири вақти — 20.00. Топшириди — 21.30.